FARG’ONA VILOYATI SO’X TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 20 - may 87-11-159-Q/22 So‘x tumani hokimligi

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги Қонуннинг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламлари, 2013 йил, 41-сон 543-модда) ва “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўпламлари, 2013 йил, 18-сон, 233-модда) Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунидаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли Қарорига асосан туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни 2022 йилда ишга жойлаштириш учун иш жойларини энг кам миқдорини белгилаш, захирага қўйиш ҳамда қўшимча иш жойлари яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6 ва 25 моддаларини қуллаб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги **“Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини**

белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилотлар — иш берувчиларга ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (кейинги ўринларда мухтожлар деб аталади)ни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захирага қўйиш мажбурияти юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ҳамда уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича комиссия таркиби **1**-иловага мувофиқ, 2022 йилда муҳтожлар учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати **2**-иловага асосан тасдиқлансин. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш масалалари бўйича туман ҳокимларининг қарорлари бажарилиши **3**-иловага асосан тасдиқлансин.

3. “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида” Низомнинг 2-бандига кўра қуйидаги асосий тушунчалар маълумот учун қабул қилинсин:

одам савдоси қурбони — мажбурий меҳнат ёки хизматлардан, қуллик ёки қулликка ўхшаш урф-одатлардан, бошқа шахс томонидан фоҳишабозликда эксплуатация қилишдан ёки шаҳвоний эксплуатация қилишнинг бошқа шаклларидан, эрксиз ҳолатдан ёхуд инсоннинг органлари ва тўқималари олиб қўйилишидан жабрланган шахс;

ногирон — жисмоний, ақлий, психик ёки сенсор (ҳиссий) бузилишлар мавжудлиги оқибатида ҳаёт фаолияти чекланиши муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб эътироф этилган ва ижтимоий ёрдам ва муҳофазага муҳтож бўлган шахс;

пенсияолди ёши — эркаклар учун 58 ёшдан 60 ёшга тўлишгача ва аёллар учун — 53 ёшдан 55 ёшга тўлишгача пенсияга чиқишдан олдинги ёш;

иш ўринларини захирага қўйиш — ташкилот (иш берувчи)

томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун ўз маблағлари ҳисобига ташкил этилган иш ўринлари;

иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш — ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун ташкилотнинг рўйхатдаги ўртача ходимлари сонининг фоизларида туман ҳокимининг қарори билан белгиланадиган иш ўринлари сони.

4. Мухтожлар учун **561** та захирага қўйилган иш ўринларига қуйидаги талаблар белгилансин:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 103 та— болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 169 та — уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 24 та — уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун 177 та — меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 49 та — уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун 33 та — уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус

малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун 6 та — уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари характерли талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шароитларини таъминлайдиган иш ўринлари.

5. Мазкур Қарорнинг 2-иловасига мувофиқ муҳтожлар учун захирага қўйилган корхона ва ташкилотлари (кейинги ўринларда иш берувчилар деб аталади):

- ҳар ойида хисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисидаги ахборотни тасдиқловчи хужжатларини илова қилган ҳолда тақдим этишлари шарт;

6. Иш берувчилар томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида аҳборот тақдим этмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги ҳамда муҳтожларни Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг йўлланмаси асосида захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш ташкилот томонидан асоссиз рад этилиши ташкилот мансабдор шахсларининг қонун хужжатларида белгиланган жавобгарлигига олиб келишлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

7. Муҳтожлар учун захирага қўйилган иш ўринлари ишга жойлаштириш ташкилотлар томонидан туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилиши инобатга олинсин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш масалалари бўйича туман ҳокимларининг қарорлари бажарилиши устидан назорат қилиш ҳамда беш кун муддатда иш берувчи ташкилот раҳбарлари эътиборига етказиш вазифаси юклатилсин.

9. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Абдиев) туман ишчи гуруҳига:

- иш берувчилар томонидан иш ўринларини захирага қўйилганлиги тўғрисида маълумотни олиш;

- **ҳар ойнинг 10 санасига қадар** - иш берувчилар томонидан муҳтожларни ишга қабул қилиниши бўйича маълумотни ҳамда мазкур Қарорни бажармаган иш берувчи ташкилот мансабдор шахсларига жарима солинганлиги тўғрисида умумлаштирилган ахборотларни юбориш вазифаси юклатилсин;

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2019-Б-сонли буйруғига (АВ рўйхат рақами №3163, 31 март 2019 йил) мувофиқ, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам иш ўрнидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - режадан ортиқ қабул қилинган ҳар бир ҳодим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида субсидия тўлаб берилиши инобатга олинсин.

11. Ушбу Қарор имзоланган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

12. Ушбу Қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Тожибоев зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **С.Сайидмусаев**

So‘x tuman hokimining
2022 yil 20 maydagi
87-11-159-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш ҳамда уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

1.	И.Тожибоев	– Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари	– раҳбар
2.	А.Абдиев	– Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директор ўринбосари - ишга жойлаштириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи	– котиб
3.	А.Турабоев	– туман ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи	– аъзо
4.	М.Сафарова	– туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг 1-ўринбосари	– аъзо
5.	Б.Хусейнов	– туман ҳалқ таълими бўлими бошлиғи	– аъзо
6.	Г.Усмонова	– туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи	– аъзо
7.	У. Мамадалиев	– туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи	– аъзо

So‘x tuman hokimining
2022 yil 20 maydagi
87-11-159-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи)	ИНН	Штат жадвали бўйича ходимларининг умумий сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	шу жумладан:						
					14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки судининг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони
1	"ОЗОД" ширкат хужалиги	200185303	550	55	8	10	6	16	6	7	2
2	Tuman tibbiyot birlashmasi	200185184	736	73	12	19	4	22	9	5	2
3	"SO`X" shirkat xo`jaligi	200185231	662	66	9	22	4	19	6	4	2
4	So'x tumani Xalq ta'lim bo'limi	206933142	54	5	2	2		1			
5	So'x tuman Davlat sanitariya epidemiologiya nazorati markazi	200185524	36	3	1	1		1			
6	"XUSHYOR" shirkat xo`jaligi	200185532	611	61	12	18	6	18	5	2	
7	1-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203213568	92	9	2	3		3	1		
8	2-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203249972	55	5	1	1		2	1		
9	3-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203199489	49	4	1	1		1	1		
10	4-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203230427	81	8	2	2	1	2	1		
11	7-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203194456	70	7	2	3		2			
12	5-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203199472	97	9	2	3		3	1		
13	8-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203129496	65	6	2	2		2			
14	9-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203215697	59	5	1	2		2			
15	10-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203199457	70	7	2	2		2	1		
16	13-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206866939	60	6	2	2		2			
17	14-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206910875	97	9	2	2		3	1	1	
18	18-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203381414	73	7	2	3		2			
19	19-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203486037	55	5	1	1		2	1		
20	20-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206872909	52	5	1	2		2			
21	24-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203437974	52	5		3		2			
22	21-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203199464	75	7	1	2	1	3,00			
23	12-umumiy o'rta ta'lim maktabi	205120729	53	5		3		2			
24	16-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206910883	47	4	1	2		1			
25	15-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206910829	40	4	1	2		1			
26	23-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206910836	49	4	1	1		1		1	
27	22-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206872916	88	8	2	2		3	1		
28	2-ixtisoslashgan umum o'rta ta'lim maktab internati	206910844	20	2		1		1			
29	18-maktabgacha ta'lim muassasasi	207036617	28	2		1		1			
30	10-maktabgacha ta'lim muassasasi	207036600	28	2		1		1			
31	5-maktabgacha ta'lim muassasasi	207036553	24	2	1			1			
32	17-maktabgacha ta'lim muassasasi	207036577	29	2	1			1			
33	9-maktabgacha ta'lim muassasasi	207036592	25	2	1			1			
34	1-maktabgacha ta'lim muassasasi	207036624	34	3	1	1		1			
35	4-maktabgacha ta'lim muassasasi	207036545	42	4	1	1		1	1		
36	19- maktabgacha ta'lim muassasasi	207036560	34	3	1	1		1			
37	14-maktabgacha ta'lim muassasasi	207036584	24	2		1		1			
38	6-maktabgacha ta'lim muassasasi	207052764	42	4	1	2		1			
39	13-maktabgacha ta'lim muassasasi	207053256	28	2		1		1			
40	6-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206910868	52	5		1		2	1	1	
41	11-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206372891	70	7	1	1	1	2	1	1	
42	So'x tumani "BOLALAR VA O'SMIRLAR SPORT MAKTABI"	305683144	48	4	1	2		1			
43	"BARKAMOL AVLOD" markazi	207123500	46	4	1	2		1			
44	20-maktabgacha ta'lim muassasasi	207076156	25	2		1		1			
45	12-maktabgacha ta'lim muassasasi	207076149	27	2		1		1			
46	7-maktabgacha ta'lim muassasasi	207076132	23	2		1		1			
47	2-maktabgacha ta'lim muassasasi	207076124	23	2		1		1			
48	25-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206910908	47	4	1	1		1	1		
49	17-umumiy o'rta ta'lim maktabi	206910890	49	4		1		1	1	1	
50	1-ixtisoslashgan umum o'rta ta'lim maktab internati	206910851	32	3		2		1			
51	16-maktabgacha ta'lim muassasasi	207080080	24	2		1		1			
52	11-maktabgacha ta'lim muassasasi	207080097	24	2		1		1			
53	15-maktabgacha ta'lim muassasasi	207080073	26	2		1		1			
54	22-maktabgacha ta'lim muassasasi	207080034	24	2		1		1			
55	3-maktabgacha ta'lim muassasasi	207080065	25	2		1		1			
56	3-umumiy o'rta ta'lim maktabi	203199489	47	4	1	2		1			
57	So'x tumani obodonlashtirish boshqarmasi	207172100	120	12	2	2	1	4	1	2	
59	So'x tumani "MADANIYAT VA AHOLINI DAM OLISH MARKAZI" davlat muassasasi	200185224	42	4	1	1		1		1	
60	So'x tuman maktabgacha ta'lim bo'limi	305155475	31	3	1	1		1			
61	So'x Tumani Axborot-Kutubxona Markazi	204470397	20	2		1		1			
62	23-maktabgacha ta'lim muassasasi	306682366	28	2		1		1			
63	27-umumiy o'rta ta'lim maktabi	306693409	47	4	1	1		1	1		
64	"SO'X TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH" unitar korxonasi	200185310	49	4	1	1		1		1	
65	СУХ ТУМАНИ 30 СОНЛИ БМ ВА СМ	303245816	35	3	1	1		1			
66	"SO'X ASFALT BETON QURILISH" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI	306896788	57	5	1	1		1	1	1	
67	ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "AL BEHRUZ QURILISH INVEST "	301752550	35	3	1	1		1			
68	SABRINA NERVOMED X K	303808034	25	2	1			1			

69	OOO "SO'XGIDROQURILISH"	204360921	31	3		1		1		1	
70	MAHALA VA OILANI QULLAB QUVATLASH	207316458	86	8	2	2		2	2		
71	"SO`X PEDAGOGIKA KOLLEJI"	205269114	47	4	1	1		1		1	
72	2-СОНЛИ УМУМИЙ УРТА МАКТАБ	203248972	82	8	2	1		2	2	1	
73	УЧРЕЖДЕНИЕ "SO`X TUMAN VETERINARIYA BO`LIMI"	200185152	22	2		1		1			
74	" SO`X QISHLOQ XUJALIK KASB-HUNAR KOLLEJI"	200185342	89	8	1	2		2	1	2	
75	So'x tumani Davlat soliq inspeksiyasi	201044746	36	3	1	1		1			
76	21-MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASI	207080058	32	3	1	1		1			
77	29-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	207323584	39	3		1		1	1		
	Жами		**5951**	**561**	**103**	**169**	**24**	**177**	**49**	**33**	**6**

So‘x tuman hokimining
2022 yil 20 maydagi
87-11-159-Q/22-son qaroriga
3-ilova

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Худудлар номи	Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	шу жумладан:						
				14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсияолди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони
А	В	1	2	3	4	5	6	7	8	9
	Сух тумани	77	561	103	169	24	177	49	33	6
Жами:		77	561	103	169	24	177	49	33	6